



**АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДЛИ  
ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ МАНБАЛАРИ ҲАМДА  
МОЛИЯЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**



Пардаев Файзулла Гаффарович

Тошкент давлат иқтисодиёт

Университети Катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармасининг ҳуқуқий асослари, шунингдек маблағларнинг шаклланиш манбалари ва молиялаштириш йўналишлари ҳамда ушбу йўналишларда хориж тажрибалари ўрганилиб, мамлакатимизда бу борадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** жамғарма, даромад, харажат, умумий фойдаланиш, автомобиль йўллари, қуриш, реконструкция, сақлаш, жорий таъмир.

**Abstract:** The legal bases of the highway development trust fund, as well as the sources of funds and financing directions, as well as foreign experiences in these directions, were studied, and scientific and practical proposals were developed to eliminate existing problems and shortcomings in this regard in our country.

**Key words:** savings, income, expenditure, general use, highways, construction, reconstruction, maintenance, current maintenance.

**Кириш**

Мамлакатда иқтисодиётнинг фаол ўсиши автомобиль йўлларининг сифати ва йўл тармоғи инфратузилмаси билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Йўл тармоғи ва транспорт инфратузилмасининг ривожланиши иқтисодий алоқаларнинг интенсивлигини белгилайди ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Ривожланаётган давлатларда йўл соҳасини молиялаштириш миллий ёки маҳаллий бюджетдан умумий ажратмалар ҳисобидан амалга оширилади. Йўл хўжалиги учун бюджет маблағлари тегишли йил учун мавжуд бўлган умумий бюджетдан, шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим, мудофаа ва бошқа соҳаларга ажратилаётган маблағлар қатори ажратилаётган маблағ билан бир вақтда ажратилади. Автомобиль йўлларини таъмирлаш учун аксарият ҳолларда маблағ билан таъминлаш масаласи кечикади ёки тўлиқ молиялаштирилмайди, бунинг асосий сабабларидан бири автомобиль йўлларини таъмирлаш узоқ даврни талаб этгани боис сметага киритилган нархлар ўзгаради, инфляция даражаси таъсир этади. Бу эса йўлларни сақлаш ишларининг кечикишига, йўл тармоқларининг ёмонлашишига, натижада янгидан қайта қуришга олиб келади.

Маблағларнинг камлиги ва унинг ўзгарувчанлиги муоммасини ҳал қилиш учун бутун дунё мамлакатларида йўл жамғармалари жорий қилинган.

### **Асосий қисм**

Республикамизда ҳам автомобиль йўлларини ривожлантириш учун бутунги кунда мақсадли йўл жамғармаси ташкил этилди.

Давлат мақсадли жамғармалари марказий ёки маҳаллий ҳукумат органлари тасарруфида бўлган ва мақсадли йўналтирилган молиявий воситалар йиғиндисини ифодалайди.

Мақсадли жамғармалар тизими соҳасидаги таниқли олимлардан А.К.Солодов жамғармалар маблағларини шаклланиши ва сарфланишини, жамғармаларнинг молиявий маблағлари хажми, тузилиши ва провардида молиявий ҳолатини доимий ўзgartириши мумкин бўлган вазиятлар, бу молиявий рисклар деб баҳолайди<sup>1</sup>.

Унинг фикрича молиявий риск (хатар)лар қоида тариқасида, ташкилотнинг пул маблағлари - жамғарма фонди, захира фонdlари, истеъмол фонди ва бўш пул қолдиқларини (тақсимланмаган фойда) ташкил этадиган пул оқимларини бошқариш билан боғлиқ омиллар ва қарорлар туфайли юзага келган.

Молиявий операцияларни амалга оширишда рисклар мавжуд экан, уларни ўрганиш, назорат қилиш, баҳолаш ва бошқариш доимо муҳим бўлиб қолаверади. Рискларнинг иқтисодий категория сифатида юзага келишида иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши муҳим роль ўйнайди.

Мақсадли жамғармалар фаолияти самарадорлигини қўрсатувчи мезонлардан бири фонdlар фаолиятининг максимал шаффофлигини таъминлашни жуда кўп иқтисодчи олимлар ўзларининг илмий изланишларида баён қилганлар. Булардан Россиялик иқтисодчи К.Пупынин ўзининг илмий изланишларида, мақсадли жамғармалар фаолиятининг шаффофлик масаласини биринчи ўринга кўтариб, фонд фаолияти шаффофлигини таъминламаслик фонд ривожланишига тўсиқ бўлувчи муаммо сифатида эътироф этган<sup>2</sup>.

Яна бир Россиялик иқтисодчи Е.Васин мақсадли жамғармалар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини 7 та гурухга ажратган ҳолда мақсадли жамғармалар фаолиятининг максимал шаффофлигини таъминлашни асосий мезон сифатида қайд этиб ўтган<sup>3</sup>. Халқаро валюта фонди томонидан тузилган маҳсус ишчи гурухи томонидан мақсадли жамғармалар фаолиятини максимал шаффофлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб Сантияго принциплари ишлаб чиқилган<sup>4</sup>. Бунга кўра шаффофлик принциплари бу - ривожланган мамлакатлар ва бозор энди ривожланаётган мамлакатлар мақсадли жамғармаларининг фаолиятини янада аниқроқ тушунишни таъминлайдиган

<sup>1</sup> Solodov A.K. Osnovi finansovogo risk-menedejmenta. «MasterPrint», 2018. S.13-18.

<sup>2</sup> Пупынин К.Н. (2011) Применение зарубежного опыта функционирования суверенных инвестиционных фондов для Резервного фонда и Фонда национального благосостояния РФ. Автореф. дисс.кан. экон.наук. москва, 24 с. (Pupynin K.N. (2011) Application of foreign experience of functioning of sovereign investment funds for the Reserve Fund and the National Welfare Fund of the Russian Federation. Abstract of thesis.dissertation.economic sciences.Moscow, 24 p.)

<sup>3</sup> Васин Е.А. (2015) Повышение эффективности управления суверенными фондами в Российской Федерации. Автореф. дисс. кан. экон.наук. Москва, 28 с. (Vasin E.A. (2015) Improving the efficiency of management of sovereign wealth funds in the Russian Federation. Abstract of thesis.diss.can.economic sciences. Moscow, 28 p.)

<sup>4</sup> Суверен фондлар институтининг расмий сайти.-Sovereign Wealth Funds Institute (SWFI) <http://www.swfinstitute.org/fund-rankings>.

комплексли асослар яратиш бўйича биргалиқдаги ҳаракатлари натижасидир дея таъриф берган<sup>5</sup>.

Суверен фонdlари институти ходимлари Карл Линабург ва Майкл Мадуэлл мақсадли жамғармалар фаолиятининг шаффофлигини баҳолаш учун Линабург - Мадуэлл транспарентлик индекси ишлаб чиқилган<sup>6</sup>.

Шаффофлик принциплари бу-иктисодиёти ривожланган мамлакатлар ва бозор иктисодиёти энди шакланаётган мамлакатлар мақсадли жамғармалари бошқарувчиларининг фондлар фаолиятини янада аниқроқ тушунишни таъминлайдиган ҳаракатлари натижасидир<sup>7</sup>.

Сантъяго принциплари мақсадли жамғармаларнинг мақсадлари ва инвестицион фаолиятни тегишилича акс эттирадиган умумеътироф этилган қоидалар ва амалиётни ифодалайди. Бу принциплар қуйидаги фундаментал позицияларга асосланади<sup>8</sup>:

- рискларни бошқариш ва ҳисобдорлик, тегишилича операцион назоратни кўзда тутган фондни бошқаришни ташкилий шаффоф ва мустаҳкам структурасини қўллаб-қувватлашлар;

- мақсадли жамғармаларнинг инвестициялари амалга ошириладиган мамлакатларда очиб бериладиган ахборотни акс эттириш бўйича барча ҳукукий меъёрларга риоя қилинишини таъминлашлар;

- мақсадли жамғармалар нафақат иктисодий ва молиявий рискни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, даромадлилик нуқтаи назаридан инвестиция киритишининг кафолатланиши юзасидан;

- глобал молия тизими барқарорлиги ҳамда инвестициялар ва капитал эркин оқимини қўллаб-қувватлашга кўмаклашишдан иборатdir.

Мамлакатимиз иктисодчи-олимларидан Доц. Д.Рустамов томонидан пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари тадқиқ қилинган ва бу борада илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб ушбу асосларни ва таклифларни бошқа мақсадли жамғармаларни ривожланитиришда хам фойдаланиш катта самара беради<sup>9</sup>.

Тадқиқотлардан маълумки, давлат бюджети давлатнинг зиммасидаги вазифаларни бажарилиши учун молиявий таъминлаш воситаси сифатида шаклланиб келган.

Доц. И.Алимов “Барча мамлакатларда давлат бюджети тузилмаси ва бюджет тизими мавжуд, бюджет тузилмаси мазкур давлатнинг сиёсий-маъмурий тузилмасига асосан шакллантирилган<sup>10</sup>. Бюджети тузилмаси моҳиятига кўра, давлат бюджетини тузиш тамойилларини, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартиби, бюджет даромадларини шакллантириш, унинг ҳаражатларини амалга ошириш тамойилларини ташкиллаштиришни ифодалайди”<sup>11</sup> деб

<sup>5</sup> Суверен фонdlар институтининг расмий сайти.-Sovereign Wealth Funds Institute (SWFI) <http://www.swfinstitute.org/fund-rankings>.

<sup>6</sup> Суверен фонdlар институтининг расмий сайти. – Sovereign Wealth Funds Institute (SWFI) <http://www.swfinstitute.org/fund-rankings>.

<sup>7</sup> Суверен фонdlар институтининг расмий сайти. – Sovereign Wealth Funds Institute (SWFI) <http://www.swfinstitute.org/fund-rankings>.

<sup>8</sup> Суверен фонdlар институтининг расмий сайти. – Sovereign Wealth Funds Institute (SWFI) <http://www.swfinstitute.org/fund-rankings>.

<sup>9</sup> Доц. Д.Рустамов Иктиносидётни модернизациялаш шароитида риск менежментидан фойдаланишининг устувор йўналишлари

<sup>10</sup> Доц.Алимов И. Бюджет тизими: ўзига хос хусусиятлар// Бизнес-Эксперт журнали. – Т., 2017. - №7. - Б. 7-10

<sup>11</sup> Доц.Алимов И. Бюджет тизими: ўзига хос хусусиятлар// Бизнес-Эксперт журнали. – Т., 2017. - №7. - Б. 7-10

таъкидлаб ўтади.

Бизнинг фикримизча хар бир бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар хоҳ алоҳида давлат миқиёсида шаклланган ҳоҳ бирор бир тузилма таркибида шаклланганилигидан қатий назар улар хар томонлама мустақил, солиқ тўловчилар учун очиқ ва шаффоф бўлишлари шарт. Ана шундагина бу жамғармаларни нафақат солиқ ва йиғимлар хисобидан балки махаллий ва халқаро миқёсда хомийлик маблағларини ҳам жалб қилишдек имкониятга эга бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалик тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2019 йил 9 декабрдаги ПФ № 5890-сонли фармонига асосан автомобиль йўлларини лойиҳалаш, йўл-қурилиш ишларини, шунингдек, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда эксплуатация ишларини молиялаштириш учун йўналтириладиган маблағларни тўплаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси ташкил этилди<sup>12</sup>.

Шунингдек, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларида, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларида (кейинги ўринларда - минтақавий йўллар) лойиҳалаш, йўл-қурилиш, таъмирлаш ва эксплуатация ишларини молиялаштириш учун йўналтириладиган маблағларни тўплаш мақсадида Қорақалпогистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бош молия бошқармалари хузурида автомобиль йўлларини ривожлантириш ҳудудий мақсадли жамғармалари ҳам ташкил этилди.

Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли йўл жамғармаси даромадлари йўлдан фойдаланувчилардан мақсадли йиғимлар ҳисобига эмас, балки бюджет маблағлари ва бошқа маблағлар ҳисобидан шакллантирилмоқда. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш ва таъмирлаш Қорақалпогистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳрининг бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

### **Автомобиль йўлларини ривожлантиришнинг республика ва ҳудудий мақсадли жамғармаларига йиғиладиган маблағлар манбалари**

**1- жадвал**

<b>Республика жамғармаси</b>	<b>Ҳудудий жамғармалар</b>	<b>Автомобиль йўллар қўмитаси жамғармаси</b>
*Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар (қурилиш ва капитал таъмирлаш)	*Худудий даражада ёқилғи учун ундириладиган кўшимча тўлов	* Хорижий автомобиллар учун кириш тўлов (80 %) *Йўл бўйидаги обьектлар учун тўлов (40%)
*Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан фоизсиз кредитлар (қурилиш ва	*Автомобиллар тўхташ жойи тўлов *Автотранспорт	

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалик тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” Тошкент ш. 2019 йил 9 декабрь ПФ № 5890.

капитал таъмирлаш) *Худудий бюджетлардан ажратмалар	воситаларини техник кўриқдан ўтказиш харажатлари *Автомобиль йўлларидағи реклама учун жой *Йўл бўйидаги обьекилар бўйича тўлов (60%)	
--	--	--

Манба: Автомобиль йўлларини ривожлантириши мақсадли жамғармаси тўгрисидаги низом<sup>13</sup> (2020 йил) ва 2019 йил 4545-сон қарор<sup>14</sup>.

Бироқ, шундай ҳолат юзага келаяптики, худудий ҳокимлар ўз ваколатига кирмайдиган йўлларни сақлаш ва таъмирлаш учун ўз бюджетларидан маблағ ажратиши ва бу маблағларни республика мақсадли жамғармасига ўтказиши шарт. Шу билан бирга, Республика мақсадли жамғармаси орқали қишлоқ ва шаҳар йўлларининг қурилиши ва капитал таъмирланишини молиялаштиришни худудий ҳокимликларнинг масъулияти остида таъминлайди. Маблағларни бундай айирбошлиш амалиётда кўп учрамайдиган ҳолат.

Йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш учун республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитлари молиялаштиришнинг тегишли манбалари ҳисобланса-да, йўлларни сақлаш ва таъмирлашни молиялаштириш барқарор ва олдиндан айтиб бериш мумкин бўлган молиялаштиришни талаб қиласди, бу молиялаштириш эҳтиёжларини қондириш учун етарли ҳажмда тақдим этиласди. Бутун дунё бўйлаб йўл жамғармалари тажрибасига кўра, бу йўллардан фойдаланувчилардан олинадиган йиғимлардан тушадиган даромадларни Республика жамғармасига, хусусан, йўлларни сақлаш ва таъмирлашни молиялаштириш учун йўналтиришни талаб қиласди.

### **Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли йўл жамғармасидан молиялаштириладиган фаолият турлари<sup>15</sup>.**

1-расм

- Лойиҳалаштириш
- Қишки қаров
- Жорий таъмир ва сақлаш харажатлари
- Табиий оғат
- Қуриш ва реконструкция

<sup>13</sup>Ўзбекистон Республика Вазирлар Махкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Қорақалпогистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни молия бош бошқармалари хузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармалари тўгрисида низом” 2020 йил 5 мартағи 123-сон қарор иловаси.

<sup>14</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йўл соҳосини бошқарни тизимини янада тақомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўгрисида” Тошкент ш. 2019 йил 9 декабрь ПК-4545 -сон

<sup>15</sup>Ўзбекистон Республика Вазирлар Махкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Қорақалпогистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни молия бош бошқармалари хузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармалари тўгрисида низом” 2020 йил 5 мартағи 123-сон қарор иловаси.

- Йўл ускуналари сотиб олиш
- Автомобиль йўллар қўмитаси ва тизим корхоналарини сақлаш харажатлари
- Автомобиль йўллари объектлари жойлашувини аниқлаш харажатларига
- Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг электрон картография асосини яратиш харажатларига.
- автомобиль йўллари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, стандартлар ва меъёrlарни ишлаб чиқишига.

Манба: Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармалари тўғрисида низом

Республика мақсадли йўл жамғармаси томонидан Автомобиль йўллари қўмитаси, унинг 12 та худудий бошқармалари, "Худудий йўлларга хизмат кўрсатиш хизмати" ДУК, "Ахборот-коммуникация технологиялари маркази" унитар корхонаси, "Республика диспетчерлик маркази" унитар корхонаси, "Ўзйўлкўкаламзорлаштириш" унитар корхонаси ва "Автойўлинвест" агентлиги ходимларининг иш ҳаки молиялаштирилади.

### **Хуносалар**

Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси даромадлари йўлларни сақлаш ва таъмирлаш учун ҳам, қурилиш ва реконструкция қилиш учун ҳам ишлатилади.

Жамғарма даромадлари йўлдан фойдаланувчилардан мақсадли йигимлар ҳисобига эмас, балки бюджет маблағлари ва бошқа маблағлар ҳисобидан шаклланадиган алоҳида ҳолатдир.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш ва таъмирлаш Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳрининг бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бироқ, шундай ҳолат юзага келяптики, вилоят ҳокимлари ўз ваколатига кирмайдиган йўлларни сақлаш ва таъмирлаш учун ўз бюджетларидан маблағ ажратиши ва бу маблағларни Автомобиль йўлларини ривожлантириш республика мақсадли жамғармасига ўтказишшаклни таъминлаштиришади.

Шу билан бирга, Республика жамғармаси орқали қишлоқ ва шаҳар йўлларининг қурилиши ва капитал таъмирланишини молиялаштиришни худудий ҳокимларнинг масъулияти остида таъминлайди.

Маблағларни бундай айирбошлиш амалий тажрибада учрамайдиган ҳолатни ташкил этмоқда.

Йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш учун республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитлари молиялаштиришнинг тегишли манбалари ҳисобланса-да, йўлларни сақлаш ва таъмирлашни молиялаштириш барқарор ва олдиндан айтиб бериш мумкин бўлган молиялаштиришни талаб қиласида, бу молиялаштириш эҳтиёжларини қондириш учун етарли ҳажмда тақдим этилади. Бутун дунё бўйлаб йўл жамғармалари тажрибасига кўра, жамғарма маблағлари йўллардан фойдаланувчилардан йигиладиган тушумлар ҳисобига шаклланади.

Республикамизда ҳам бундай йиғимлар етарли, йўлларни сақлаш ва таъмиrlаш учун молиялаштириладиган маблағлар олдиндан айтиб бериш мумкин бўлган молиялаштиришни талаб қилишини инобатта олиб, ушбу йиғимлар автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармасига йўналтирилиши мақсадга мувофиқ саналади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси янги таҳрири.ЎЗР 01.05.2023 й. ЎРҚ-837-сон.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ти қонуни 2007 йил 2 октябрдаги ЎРҚ-117-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалик тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” Тошкент ш. 2019 йил 9 декабрь ПФ № 5890.

4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йўл соҳосини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” Тошкент ш. 2019 йил 9 декабрь ПҚ-4545 -сон

5.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сон қарорига 5- илова “Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси тўғрисида низом”

6. Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Қорақалпогистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари молия бош бошқармалари ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармалари тўғрисида низом” 2020 йил 5 мартағи 123-сон қарор иловаси.

7. Solodov A.K. Osnovi finansovogo risk-menedjmenta.“MasterPrint”, 2018.5.13-18.

8. Пупынин К.Н. (2011) Применение зарубежного опыта функционирования суверенных инвестиционных фондов для Резервного фонда и Фонда национального благосостояния РФ. Автореф. дисс.кан. экон.наук. москва, 24 с.

9. Васин Е.А. (2015) Повышение эффективности управления суверенными фондами в Российской Федерации. Автореф. дисс. кан. экон.наук. Москва, 28 с.

10. Доц. Д.Рустамов Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида риск менежментидан фойдаланишнинг устувор йўналишлари.

11. Доц.Алимов И. Бюджет тизими: ўзига хос хусусиятлар// Бизнес-Эксперт журнали. – Т., 2017. - №7. – Б. 7-10.

12. Усмонов, Б. (2024). КОМПАНИЯЛАР КАПИТАЛИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ МУЛЬТИПЛИКАТОР КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Scientific Journal of Actuarial Finance and Accounting*, 4(11), 186-191.

13. Usmonov. Б. (2023). THEORETICAL AND PRACTICAL APPROACHES RAISING CAPITAL EFFICIENCY OF JOINT STOCK COMPANIES. *Economics and Innovative Technologies*, 11(2), 14-19. [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss2/i2](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i2).

14. Usmonov, B. (2024), "Evaluation of Efficiency of Capital Management in Joint-Stock Companies in the Chemical Sector: The Case of Uzbekistan", Eshov, M.P., Abdurakhmanova, G.K., Burkhanov, A.U., Abdusalomova, N.B. and Ergasheva, S.T. (Ed.) *Development of International Entrepreneurship Based on Corporate Accounting and Reporting According to IFRS (Advanced Series in Management, Vol. 33B)*, Emerald Publishing Limited, Leeds, pp. 67-74. <https://doi.org/10.1108/S1877-63612024000033B009>.

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

